



ХАЛҚАРО ПОЧТА ВА КУРЬЕРЛИК ЖҮНАТМАЛАРИНИНГ БОЖХОНА РАСМИЙЛАШТИРУВИ МУАММОЛАРИ

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a55

Махмудов Носир Махмудович -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
профессори, иқтисод фанлари доктори
Хабибов Рустам Изатуллаевич -
Давлат божхона құмитаси Божхона
институти бошлиғи үрінбосары

Аннотация. Мақолада халқаро пошта ва курьерлик жүнатмаларининг божхона расмийлаштируви амалиёти таҳлил қилинганд. Қонунчилікда пошта ва курьерлик фарқи аниқ ажратылмаганлығы, курьерлик ташкилотлари фаолияты "соя" остида қолиб кетаётгандығы ҳамда жисмоний шахсларнинг товарларни болжыз олиб кириш мөзірідан фойдаланыб, божхона түловларини четлаб үтишга уриниш қолатлари божхона хизматлари учун муаммо туғдираётгандығы құрсатылған. Жүнатмаларни тартибга солиши бүйічка амалий тақлифлар берилған.

Калит сұздар: электрон тиражорат, халқаро пошта ва курьерлик жүнатмалари, божхона расмийлаштируви, дастлабки маңлумот, оператор, провайдер, курьер, болжыз олиб кириш мөзірі.

ПРОБЛЕМЫ ТАМОЖЕННОГО ОФОРМЛЕНИЯ МЕЖДУНАРОДНОЙ ПОЧТЫ И КУРЬЕРСКИХ ОТПРАВЛЕНИЙ

Махмудов Носир Махмудович -
доктор экономических наук, профессор Ташкентского
государственного экономического университета
Хабибов Рустам Изатуллаевич -
заместитель начальника Таможенного института

Аннотация. В статье анализируется практика таможенного оформления международных почтовых и курьерских отправлений. Показано, отсутствие четкого разграничения между международной почтой и курьерским отправлением. Деятельность курьерских организаций остается в "тени". Создано условие для попыток уклонения от уплаты таможенных платежей под прикрытием нормы беспошленного ввоза. Даны практические предложения по совершенствованию таможенного оформления международных отправлений.

Ключевые слова: электронная коммерция, международные почтовые и курьерские отправления, таможенное оформление, предварительная информация, оператор, провайдер, курьер, норма беспошлинного ввоза.

THE PROBLEMS OF CUSTOMS CLEARANCE OF INTERNATIONAL MAIL AND COURIER DELIVERY

Mahmudov Nosir Mahmudovich -
Doctor of Economics, Professor of the
Tashkent State University of Economics
Khabibov Rustam Izatullayevich -
Deputy Head of the Customs Institute of the
State Customs Committee

Abstract. The article analyzes the practice of customs clearance of international postal and courier items. It is shown that there is no clear distinction between international mail and courier mail. The activities of courier organizations remain in the "shadow". A condition has been created for attempts to evade customs payments under the "de minimis". Practical suggestions are given to improve the customs clearance of international shipments.

Key words: e-commerce, international postal and courier shipments, customs clearance, preliminary information, operator, provider, courier, duty-free rate.

Кириш. Жисмоний шахслар томонидан интернет орқали товарларга буюртма бериш, курьерлик хизматлари орқали қўлдан-қўлга етказиш тобора оммалашмоқда. Жүнатмаларнинг ҳажми ортгани сари курьерлик ташкилотлари сони ҳам кўпаймоқда, майда пакетларнинг божхона назорати қийинлашиб бормоқда.

Халқаро пошта ва курьерлик жүнатмалари тизими жуда мураккаб, етарли даражада тартибга солинмаган, жүнатмаларни саралаш ва тақсимлаш учун зарур инфратузилиш яратилмаган, провайдерлик ёки курьерлик ташкилотлари фаолиятининг аниқ ва ягона регламенти мавжуд әмас. Божхона қонунчилигини бузган курьер шаклан бошқа, мазмунан айнан ҳолда,

қайта фаолиятини давом эттириши мумкин. Конунчиликда, почта операторидан “қўлдан-қўлга” етказиб бериш ибораси билан фарқланади, холос. Уларнинг фаолиятида солиқлар ва божхона тўловлари “соя” остида қолмоқда.

Почта ва халқаро куръерлик жўнатмалари орқали жисмоний шахслар шахсий эҳтиёжи учун товарларни божсиз олиб кириши меъёри мавжудлиги, бир тарафдан, фуқаролар учун ички бозорда танқис ёки қиммат товарни хориждан қулай олиб келиш имконини берса-да, иккинчи тарафдан, тижорий товарларни “шахсий эҳтиёж” ниқоби остида божхона тўловларни тўламасдан олиб кириш ҳолатларини ҳам юзага келтирмоқда. Хорижий тадбиркорлар даромад ва қўшилган қиймат солиқлари (КҚС), бож тўламаслиги сабабли маҳаллий ишлаб чиқарувчи ва импортерларни рақобатсиз ҳолатга солиб қўймоқда, бюджет қўшимча даромад йўқотмоқда.

Божхона расмийлаштируви автоматлаштирилмаганлиги, жўнатмалар ҳақида маълумотлар божхонага тақдим этилмаслиги ёки тўлиқ эмаслиги божхона қийматини аниқлашни қийинлаштиради ва божхона ходими қарорига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Халқаро тажрибага кўра, қонунбузарликларнинг олдини олишда жўнатмалар ҳақида дастлабки маълумотларни юк келгунига қадар божхонада таҳлил қилиш, жўнатмаларни замонавий сканер техникарида божхона кўригидан ўтказиш муҳим аҳамият касб этади [7].

Давлат божхона қўмитаси куръерлик фаолиятини лицензиялаш, мезонлар белгилаш, “фулфилмент” ваколатига эга оператор мақомини беришни (солиқ ва божхона тўловларини харид қилувчидан олиш) таклиф этган.

Бундан ташқари жўнатмаларини расмийлаштиришни йирик ягона тақсимот жойида мажбурий божхона расмийлаштирувани амалга ошириш, дастлабки электрон маълумотларни божхона органларига мажбурий тақдим этиш, солиқ тўловчининг шахсий рақами ва паспорт маълумотлари бўйича шахсни аниқлаш учун божхона ва солиқ идоралари электрон базаларини интеграциялаштириш каби таклифлар ҳам киритилган.

Молия вазирлиги яширин иқтисодиёт даржасини пасайтириш мақсадида 2021 йил 1 январдан меъёрни 1 000 доллардан 200 доллар (10 кг)га тушириш фармон лойиҳасини Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига жойлаштирган.

2020 йил 5 октябр куни республикамиз Президенти Ш.Мирзиёев бошлилигига миллий почта тизимини ислоҳ қилиш муҳокама этилди. 2020 йил 14 декабрда “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаш-

тириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4921-сонли қарори қабул қилиниб, ички почтани ривожлантиришга урғу берилди. 2022 йил 9 июнь куни Ўзбекистон Республикасининг “Почта алоқаси тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди.

Бироқ юқоридаги муаммолар ҳали ўз ечи мини топмаган, халқаро куръерлик жўнатмалари тартибга солинмаган, божхонанинг хавфларни бошқариш тизими доирасидан четда қолган йўналиш бўлиб турибди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Интернет орқали товар харид қилиш тобора ривожланаётганлиги сабабли халқаро почта ва куръерлик жўнатмаларининг божхона расмийлаштируви, божсиз олиб ўтиш меъёrlари мавзуси муҳокамаси хорижий манбаларда кўп кўзга ташланмоқда.

Масалан, С.П.Калмыкова, В.А.Мещериков, И.В.Цыкуновлар интернет харидлари масаласини, Л.В.Хорева, И.А.Соколовлар интернетнинг савдо хизматларидаги ролини, В.А.Уткина, Е.В.Емшановлар электрон тижоратни ривожлантиришни, О.В.Равчева солиқقا тортишни, М.С.Нагорная, Е.С.Якименколар айрим хуқуқий жиҳатларини, К.О.Староверова, А.Р.Гладков, О.Л.Мирон, С.А.Сениклар божхона қонунчилигидаги муаммоларни ўргангандар.

Е.Ю.Биркованинг божсиз олиб кириш ҳажмлари кўпайиши давлат даромади ва ички бозорга салбий таъсир қилиши ҳақидаги [10], С.А.Кинсфаторнинг декларацияда юк маълумотлари хато киритилаётганлиги божхона расмийлаштируванини автомалаштириш, хавфларни бошқаришга тўсиқ бўлиб қолаётганлиги ҳақидаги фикрлари эътиборни тортади [11].

Ушбу мавзу фақат Ўзбекистон ахборот мақони янгиликларида учрайди, илмий тадқиқотлар ўтказилмаган. Хавфсизлик ва божхона тўловлари билан қийматга эга. Шу сабабдан муаммо актуал, ўрганишни талаб этади.

Ўзбекистонда почта алоқаси қоидалари Умумжаҳон почта иттифоқи ҳужжатлари (Устав, Конвенция)[9], Ўзбекистон Республикасининг “Почта алоқаси тўғрисида”ги қонуни, Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари, халқаро почта ва куръерлик жўнатмалари божхона расмийлаштируви Божхона кодекси ва бир қатор меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинган. Жумладан:

почта алоқаси оператори – почта алоқаси тармоғига эгалик қилувчи ва фаолиятнинг асосий тури почта алоқаси хизматлари кўрсатиш бўлган юридик шахс – Ўзбекистон Почтаси АЖ;

почта алоқаси провайдери – почта алоқаси операторининг тармоғи орқали почта, куръерлик хизматларини кўрсатувчи юридик шахс;

почта жүннатмалари – почта алоқаси оператори ёки провайдери томонидан адресатта жүннатиладиган ёзма хат-хабар, посылкалар, пул маблағлари;

курьерлик жүннатмалари – почта курьери орқали қисқа муддатларда қўлдан-қўлга етказиб бериладиган хат-хужжатлар, бандероллар, босма нашрлар ва товарлар;

почта курьери – почта алоқаси объектларидан ташқарида жүннатмаларни қабул қиласидиган ва адресатта топширадиган, почта алоқаси оператори ёки провайдери билан шартномага эга бўлган жисмоний шахс.

Божиз олиб кириш меъёрлари турли давлатларда ҳар хил белгиланган. Е.Н.Салимоненко, В.А.Фролова ва И.П.Кабановлар уларни 4-гурухга ажратганлар [12] (1-жадвал).

1-жадвал

Хорижий мамлакатларда белгиланган жисмоний шахслар томонидан шахсий эҳтиёж учун халқаро почта жўннатмаларида божиз олиб кириш меъёрлари[13]

| 1-гурух | 2-гурух | 3-гурух | 4-гурух |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Божиз олиб кириш меъёри белгиланмаган | Божиз олиб кириш меъёри паст дараражада белгиланган | Табақаланган меъёр белгиланган | Меъёр юқори белгиланган |
| <p>Божундирилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - БАА; - Хитой товар категориясига қўра 11 %дан 60 %гача; - Бразилия, Аргентина ўртача 23 %; - Ҳиндистон 35 % | <ul style="list-style-type: none"> - Канада – 14 евро; - Таиланд – 23 евро; - Янги Зеландия – 34 евро; - Жанубий Африка – 37 евро; - Мексика – 39 евро; - Япония – 76 евро; - Туркия – 79 евро; - Индонезия – 39 евро (бождан озод, аммо 10 % ҚҚС тўланади) | <p>I босқич:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Дания – 10 евро; - Буюк Британия – 15 евро; - Кипр – 17,1 евро; - аксарият ЕИ дав. – 22 евро <p>II босқич:</p> <ul style="list-style-type: none"> Юқоридаги меъёридан ошса ҚҚС тўланади: - Венгрия 27 % - Хорватия 25 % - Швеция 25 % - Дания 25 % - Кипр 19 % - Мальта 18 % - Люксембург 17 %. <p>III босқич:</p> <ul style="list-style-type: none"> - божхона қиймати 150 еврордан ошса, божхона божи тўланади | <ul style="list-style-type: none"> - Жан. Корея – 103 евро; - Сингапур – 236 евро; - Армения – 500 евро 25 кг; - Австралия – 673 евро; - АҚШ – 800; - ЕОИИ мамлакатлари (Россия, Беларусь, Қозогистон, Қирғизистон) – 1000 евро 31 кг (ошса 30 %, 4 евро 1 кг) - Ўзбекистон ҳар чорақда курьерлик – 1000 доллар, почта – 100 доллар |

1-гурухга киравчи мамлакатларда божиз олиб кириш тушунчasi йўқ ва жўннатмалардан солиқ ва божлар ундирилади. Масалан, Хитойда 168 еврогача жўннатмаларга 11,9 % миқдорида ягона божхона йиғими ва 17 % ҚҚС тўланади;

2-гурухга киравчи мамлакатларда 14-39 евро оралиғида меъёр белгиланган. Бу гурухга Индонезияни ҳам айрим шартлар билан қўшиш мумкин. Масалан, божиз олиб кириш меъёри 39 евро бўлса-да, бождан озод этилади, аммо 10 % ҚҚС тўланади;

3-гурухга киравчи мамлакатларда меъёrlар табақаланган тарзда 10-22 евро оралиғида белгиланган, аммо ушбу меъёрдан ошган қисмига ҚҚС тўланади. Божхона қиймати 150 еврордан ошса, божхона божи ҳам қўшилади. Истисно ҳолат, ҚҚС 6 евро, божхона божи 10 европни ташкил этса, тўлашдан озод этилади. “Шахсий совфа” эканлиги тасдиқланса, меъёр 40-45 европга кўтарилиши мумкин.

4-гурухга киравчи мамлакатларда 100-1000 евро оралиғида меъёр белгиланган. Ўзбекистон шу гурухга даврий чеклов шарти билан, яъни бир календарь чорақда халқаро курьерлик жўннатмаларида 1 000 доллар, халқаро почта жў-

натмаларида 100 доллар қийматдаги товарларни божиз олиб кириш меъёри билан ўрин олган [1].

Жўннатманинг шахсий эҳтиёжга мўлжалланганлиги божхона ходими томонидан аниқланади. Жумладан: (1) жўннатмани олувчи ёши товарнинг хусусиятлари билан мувофиқлиги; (2) бир манзил бўйича бир хил турдаги товарларни олиб ўтишнинг тақорориyllиги; (3) қабул қилувчи манзилнинг жисмоний шахс ҳақиқатда рўйхатдан ўтган жойи билан фарқи кўриб чиқидаи [4].

Ушбу мезонларга жавоб бермайдиган жўннатмалар тадбиркорлик учун деб баҳоланиб, товар қийматидан 30 %, аммо ҳар 1 кг учун 3 доллардан кам бўлмаган миқдорда ягона тўлов ундирилади [3]. Бунга товарларнинг божхона расмийлаштируви учун (1 дона божхона кирим ордери учун) БХМ[14] нинг миқдорининг 25 % и миқдорида (100,0 минг сўм) божхона йиғими ҳам қўшилади [5].

Товар қиймати тижорат ҳужжатлари билан тасдиқланган бўлиши керак (Божхона кодекси 164-моддаси). Акс ҳолда, божхона органи уни мустақил равишда етказиб бериш харажат-

ларини қўшган ҳолда белгилайди (Божхона кодекси 44-боби).

Халқаро почта ва куръерлик жўнатмаларида юбориладиган товарлар божхона назоратидан ўтиши, жўнатмалар божхонага тижорат хужжатлари билан бирга тақдим этилиши ва декларацияланиши керак (165-167-моддалар).

Халқаро куръерлик жўнатмалари бўйича почта операторлари (провайдерлар) божхона органларига божхона декларацияси, юк ҳужжати ҳамда қонунчилик хужжатларида белгилangan дастлабки электрон шаклдаги ахборот тақдим этиш мажбурияти юкланган [6; 12-банд], [2; 1-банд].

Дастлабки маълумотга қўйидагилар киради:

1. Қабул қилувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми.
2. Қабул қилувчининг манзили.
3. Қабул қилувчининг паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта серияси ва рақами ёки солиқ тўловчининг идентификация рақами.
4. Почта алоқаси оператори ёки провайдерининг номи.
5. Жўнатувчи давлат.
6. Жўнатманинг тавсифи.
7. Жўнатманинг қиймати.

Қоидага кўра, божхона расмийлаштируви электрон маълумот мавжуд бўлганда ёки тўлиқ бўлгандагина амалга оширилиши керак [2; 2-илова].

Меъёрий хужжатларда халқаро жўнатмалар божхона расмийлаштируви қўйидаги технологик схемада белгилangan:

1. Дастлабки маълумот, жўнатма кириб келгунига қадар, почта оператори (провайдери) томонидан божхона органларининг автоматлаштирилган ахборот тизимиға телекоммуникация тармоғи орқали электрон тарзда юборилади.

2. Ўзбекистонга келган халқаро почта ва куръерлик жўнатмалари ҳаво кемаси борти ёки вагондан юк транспортига ортилиб, миллий почта алоқа оператори жўнатмалар тақсимлаш жойига етказилади.

3. Почта алоқаси операторлари (провайдери) ва божхона ходими иштироқида жўнатмалар очилиб, хужжатли солиштириш, тортиш, қадоқлаш, санаш, ўлчаш ҳамда тортиш амалга оширилади.

4. Жўнатмалар рентген аппаратида кўрикдан ўтказилади. Божхона ходими электрон маълумот билан декларациядаги (инвойс, CN22, CN23) маълумотларни таққослаб, мақсадини аниқлайди. Номувофиқ аниқланса, божхона назорати шакллари қўлланилади. Божхона тўлови ундириладиган товарларга ягона божхона тўло-

ви ҳисобланиб, юк эгалари томонидан тўланиши таъминланади.

5. Почта оператори (provайдерлари) жўнатмаларнинг вилоятларга кетадиган қисмини тегишли манзил бўйича ҳудудлардаги божхона постларига, божхона расмийлаштирувидан ўтганларини юк эгаларига етказиб беради.

Умумжаҳон почта конвенциясининг 18-моддасига (4-банди) мувофиқ, почта алоқалари таомилларини соддалаштириш ва қисқартириш мақсадида почта операторига (provайдерига) жўнатувчи ёки қабул қилувчидан божхона божи ва бошқа йиғимларни ундириш ваколати берилиши мумкин.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот давомида умумфар иммий методлар (синтез, таҳлил) асосида халқаро почта ва куръерлик жўнатмаларини тартибга солувчи халқаро ва миллий қонунчилик нормалари ўрганилди, халқаро тажрибалар билан солиштирилди, божсиз олиб кириш меъёрлари ягона шаклга келтирилди, асослари синтез қилинди, Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг “Бошпочтамп” ташқи иқтисодий фаолият (ТИФ) божхона пости ҳисботлари таҳлил қилинди, божхона қонунчилигини қўллаш, халқаро куръерлик фаолиятини тартибга солиши юзасидан хулоса ва таклифлар берилди.

Таҳлил ва натижалари. Технологик схемадан кўриниб турибдики, юкларни ҳаво кемасидан оператор Тақсимот марказига олиб келиш, у ердан вилоятлардаги божхона постларига қайта тақсимлаш жараёни вақт ва қўшимча тақрорловчи ишлов жараёнларини ўз ичига олиши билан бирга, юклар йўқолиши ёки алмаштириб қўйилиши эҳтимолини оширади.

Жўнатмалар ҳажми ошгани сари сони кўп, майда қутилар орасидан шубҳалиларини ажратиш, божхона тўловлари ундириладиган ёки ундирилмайдиган қисмини ажратиб олиш муракаблашмоқда [8].

Оператор ва провайдерлар томонидан дастлабки маълумотларни божхонага тақдим этиш мажбурий бўлса-да, амалда тақдим этилмайди, божхона постларининг ҳам электрон маълумотларни мантиқий таҳлил қилиш имконияти техник жиҳатдан чекланган.

Декларацияларда товарлар ҳақидаги маълумот божхона талабига мос, аниқ ва тўлиқ киритилмайди. Масалан “совға”, “кийим”, “техника” каби умумий сўзлар билан ифодаланади. Битта буюм номи ёзилиб қолганлари ёзилмайди. Бошқасининг ичига яшириб қўйилади, аксарият ҳолларда қиймати кўрсатилмайди.

Маълумотлар тўлиқлиги ва тўғрилиги бўйича провайдерларга нисбатан жавобгарлик белгиланмаган.

Божсиз олиб кириш меъёрларини пасайтириш фармон лойиҳаси бўйича 151 та келиб

тушган таклифнинг аксариятида меъёрни пасайтимаслик билдирилган. Айрим товарларни ички бозорда ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаганлиги ёки қимматлиги сабабли фуқаролар хориждан олиб келишга мажбур бўлаётганилиги, меъёрнинг оширилиши контрабанда ва божхонада коррупцияни келтириб чиқариши мукинлигини билдирганлар.

Тадқиқот давомида Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг “Бошпочтамп” ТИФ божхона постида халқаро жўнатмаларни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш амалиёти ўрганилди:

- оператор (провайдер) томонидан жўнатмалар ҳақида дастлабки маълумотни божхонага юбориш йўлга қўйилмаган ва шу сабабли жўнатмаларнинг мақсадини автоматлаштирилган тарзда аниқлаш имконияти мавжуд эмас;

- божхона ходими товарлар бир шахсга тегишлиги, божхона тўлови тўлашдан қочишига уриниш ҳолатини, excel шаклдаги маълумотларни механик равища қидириш ва солиштириш оддий усулидан фойдаланган ҳолда аниқламоқда;

- божхона постида хавфни аниқлашнинг оддий ва ягона йўли - посылкаларни рентгендан ўтказиб, ҳажми ва қўринишидаги хусусиятини визуал аниқлаш ҳисобланади.

Демак, товардан божхона тўловларини ундириш ёки ундирилсанлик кўпроқ божхона ходими қарорига боғлиқ бўлиб қолган ва эътибордан четда қолган тўловлар мавжудлиги эҳтимолини оширади.

“Бошпочтамп” ТИФ божхона постида 2020-2022 йилларнинг дастлабки 6 ойи давомида божхона расмийлаштирувидан ўтган халқаро почта ва курьерлик юклари ҳисоботлари таҳлил қилинди.

2020 йилга нисбатан 2022 йилда жўнатма ҳажми 2 736,2 т дан 2 465,2 т га, яъни 10 % камайган. Умумий жўнатмалардаги тўлов ундирилган қисми улуши 2020 йил 2,78 %, 2021 йил 4,86 %, 2022 йил 6,65 %ни ташкил этади. Ундирилган тўловлар 2,5 баробарга ошган (2-жадвал). Кунига ўртача 15 тн, 7 000 та жўнатма божхона расмийлаштирувидан ўтказилади. Божхона постида штат бўйича жами 15 нафар ходим хизмат олиб боради.

2-жадвал

Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг “Бошпочтамп” ТИФ божхона постида 2020, 2021, 2022 йилларнинг 1-ярим йиллигида расмийлаштирувдан ўтган юклар тўғрисида маълумот

| Йил | Жами халқаро почта ва курьерлик юклар ҳажми (т) | Божхона тўловлари ундирилган ҳажми (т) | % | Умумий ундирилган божхона тўловлари (млн. сўм) |
|------|-------------------------------------------------|----------------------------------------|------|------------------------------------------------|
| 2020 | 2 736,2 | 76,00 | 2,78 | 19 197,00 |
| 2021 | 2 778,6 | 135,00 | 4,86 | 30 915,00 |
| 2022 | 2 465,2 | 164,00 | 6,65 | 48 090,00 |

Манба: Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг “Бошпочтамп” ТИФ божхона пости ҳисоботидан олинган маълумот асосида муаллиф ишланмаси.

Божхонага топширилган почта ва курьерлик жўнатмалари ҳажми камайиб, божхона тўловлари 2,5 барорбарга ошиши, демак, аввалги йилларда божхона тўловига жиддий эътибор қаратилмаган, кўп товарлар ҳисоботларда “божсиз олиб кириш меъёрларига” киритиб келинган, деган хulosага олиб келади. Почта ҳажми камайганлиги ҳам мантиқан зид. Чунки пандемия сабабли транспорт ҳаракатлари кескин камайгач, халқаро почта ривожланди. Бошқа давлатлар статистикасида Ўзбекистонга юборилган юклар ва умуман, халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари ҳажми ўсганлигини кўрсатмоқда. Бундан ташқари почта жўнатмалари Тошкент шаҳридан ташқари Қорақалпоғистон, Тошкент ва Навоий вилоятларига ҳам олиб келиб расмийлаштириш йўлга қўйилган.

Шу сабабдан почта оператори билан божхона ўртасида халқаро почта жўнатмалари умумий ҳажмини солиштириш, тўловлар ўсиши асосларини чуқурроқ ўрганиш талаб этилади.

Ушбу пост томонидан 2020 йилда 55 та ҳолатда 559,6 млн. сўм қийматдаги, 2022 йилда 131 та ҳолатда 494,3 млн. сўм миқдорида божхона қоидабузарликлари аниқланган.

Солик ва божхона органлари назарига тушишдан қочиши, ҳисоботларни яшириш мақсадида, қисқа муддатли курьерлик ташкилотлари сони кўплайган. Қонунчиликда қайси шартларда провайдерлик (курьерлик) фаолияти билан шуғулланиш аниқ белгиланмаган.

Бундан ташқари расмийлаштирув жараёнида инсон аралашуви билан боғлиқ ҳамда ахборотлаштирилмаган таомиллар мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 декабрдаги “Халқаро почта ва курьерлик жўнатмаларини божхона назорати ва расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 767-сонли қарори билан тасдиқланган низомда қуйидагилар келтирилган:

- божхона қонунчилиги бузилиши божхона кўргижи далолатномасини расмийлаштириб,

пошлина алоқаси оператори (провайдери), божхона органи мансабдор шахси томонидан имзоланиши (14-банд);

– ветеринар, карантин ва бошқа назоратдан ўтиши лозим бўлган жўнатмаларнинг божхона расмийлаштируви тегишли кузатув хужжатларига ушбу органларнинг чиқариш тўғрисидаги белгиси қўйилгандан кейин ёки рухсат этувчи хужжат тақдим этилгандан сўнг божхона расмийлаштируви якунланиши (17-банд);

– божхона чегараси ташқарисига чиқарилаётган жўнатмаларга божхона органи томонидан кузатув хужжатларига штамп ва муҳр босиш (18-банд) амалиёти.

Хуласа ва таклифлар. Халқаро жўнатмалар ҳажми истиқболда ортишини инобатга олиб, электрон тижорат товарларидан ундириладиган божхона тўловлари давлат бюджети даромади учун яхши манбага айланиши мумкин. Бундан ташқари маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва анъанавий импортёрлар учун рақобат муҳитини яратиш зарур.

Шу сабабли қўйидаги таклифларни киритамииз:

1. Жисмоний шахслар халқаро пошлина ва курьерлик жўнатмаларида шахсий эҳтиёжи учун божсиз олиб кириш меъёрларини камайтириб, Европа Иттифоқи давлатлари ва Хитойдаги каби табақалаштирилган солиққа тортиш таклиф этилади (Масалан, меъёрни 20 евро этиб белгилаб, барча товардан ҚҚС ундириш, божхона қиймати ошгани сари ҳамда товар туркумига кўра, ягона божхона йиғими ставкаларини унга нисбатан пропорционал ошириб белгилаш).

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралдаги "Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-3512-сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июлдаги ПҚ-3873-сонли "Ўзбекистон Республикаси божхона худудига жисмоний шахслар номига халқаро пошлина ва курьерлик жўнатмалари орқали келаётган товарлар назоратини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 ноябрдаги "Жисмоний шахслар томонидан шахсий эҳтиёjlари учун товарларни олиб ўтиши тартибини янада тақомиллаштириш тўғрисида" ПҚ-4508-сонли қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 12 майдаги "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиши мақсадини аниқлаша тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 281-сонли қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 ноябрдаги "Божхона йиғимлари ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида" 700-сонли қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 декабрдаги "Халқаро пошлина ва курьерлик жўнатмаларини божхона назорати ва расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 767-сонли қарори.
7. Now is the time for implementation. By Kunio Mikuriya, WCO Secretary General. mag.wcoomd.org/magazine/wco-news-96/now-is-the-time-for-implementation.
8. USCBP latest initiatives to strengthen enforcement capacity for e-commerce shipments. By United States Customs and Border Protection. mag.wcoomd.org/magazine/wco-news-96/uscbp-latest-initiatives-to-strengthen-enforcement-capacity-for-e-commerce-shipments/.
9. Всемирная почтовая конвенция (Бухарест, 2004). <https://lex.uz/acts/1314218>.
10. Быркова, Е.Ю., Основные проблемы и тенденции развития международных почтовых отправлений. Проблемы современной экономики. С. 25. <https://cyberleninka.ru/article/n/osnovnye-problemy-i-tendentsii-razvitiya-mezhdunarodnyh-pochtovyh-otpravleniy/viewer>
11. Кинсфатор, С.А. Актуальные аспекты приобретения товаров в зарубежных интернет магазинах. Актуальные вопросы экономических наук. <https://cyberleninka.ru/article/n/aktualnye-aspekty-priobreteniya-tovarov-v-zarubezhnyh-internet-magazinah/viewer>.
12. Салимоненко Е.Н., Фролова В.А. Основные особенности таможенного регулирования трансграничной торговли в интернет-пространстве Российской Федерации. Вестник ЮУрГУ. Серия "Экономика и менеджмент". 2019. Т. 13, № 1. С. 76-83.
13. Салименко Е.А. ишланмаси, Вестник ЮУрГУ. Серия "Экономика и менеджмент". 2019. Т. 13, № 1. С. 76-83.
14. Базавий ҳисоблаши миқдори.

2. Шахсий эҳтиёжга кирмайдиган товарлар рўйхатини қайта ишлаб чиқиши.

3. Халқаро курьерлик фаолиятини тартибга солувчи алоҳида меъёрий ҳужжат ишлаб чиқиб, лицензияланадиган хизмат турига киритиши.

4. Оператор ва провайдерлар томонидан халқаро жўнатмалар бўйича дастлабки маълумот божхонага тақдим этилмаса, уларнинг юкларини расмийлаштирувдан ўтказмаслик ва хизмат кўрсатиш ҳукуқидан маҳрум этиш амалиёти ҳукуқий асосларини яратиши.

5. Товарга буюртма беришдан то божхона расмийлаштирувига қадар транзакциясига таллуқли барча маълумотларни юк божхонага етиб келгунига қадар, божхона ахборот тизимида таҳлил қилиш имкониятини яратиши (Масалан, бир шахс бир йилда қанча маротаба товар олиб киргани ёки шахсий эҳтиёжи учун жинси ёки ёши сабабли тўғри келмаслигини таҳлил қилиши).

6. Жанубий Корея божхонасининг Express Cargo Logistics Centre амалиётини ўрганиб, Тошкент халқаро аэропортида халқаро жўнатмаларни қайта тақсимлаш марказини ташкил этиш бўйича техник-иктисодий асосларини яратиши.

7. "Виждонли" мезони бўйича провайдерлар реестрини шакллантириш, энг яхши хизмат кўрсатишда индекси баланд бўлганларга божхона тўловларини ундириш ваколатини ҳамда расмийлаштиришда соддалаштириш бериш амалиётини киритиши.